



КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ЁКИ ЗАХАРЛИ МОДДАЛАРНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ЭГАЛЛАШ ЖИНОЯТЛАРИ ЮЗАСИДАН ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАКТИКАСИ

Суюнов Шахзодбек Шовкатович

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси “Тергов фаолияти”
кафедраси ўқитувчиси, капитан*

Бозорбоев Отабек Азизбек ўғли

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси “Тергов фаолияти”
мутахассислиги кундузги таълим 3-босқич 324-гуруҳ курсанти*

Аннотация: Ҳозирги кунда Республикамизда кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш жиноятларининг содир этилиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Ушбу мақола орқали биз бу каби жиноятларни тергов қилиш жараёнида ўтказилиши лозим бўлган дастлабки тергов ҳаракатларини ҳамда уларни ўтказиш тактикасини ўрганиб, амалиётдаги бир қанча муаммолар ҳақида сўз юритиб ўтамиз. Шунингдек, ушбу жиноятларни тергов қилиш жараёнида юзага келадиган қонунчилик жараёнидаги айрим бўшлиқларни кўриб чиқамиз.

Таянч тушунчалар: Кучли таъсир қилувчи, захарли моддалар, қонунга хилоф равишда эгаллаш, тергов қилиш жараёни, дастлабки тергов, тергов ҳаракатлари.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш жиноятларининг сони тобора ортиб бормоқда.

Кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф муомаласи биргина уни истемол қилувчининг ҳаётига хавф солмай, балки у бутун бир миллатни, жамиятни маънавий-маърифий инқирозга етаклаши табиийдир. Ҳозирги кунда Республикамизда кучли таъсир қилувчи ва захарли моддаларнинг қонунга хилоф тарздаги муомаласига қарши кураш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки кучли таъсир қилувчи ва захарли моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий илдизларига болта уради, миллатнинг генофондига жиддий путур етказди. Бу каби жиноятлар жамиятнинг ривожланишига



тўсқинлик қилади, унинг ҳаётга энди кириб келаётган аъзоларини ўз домига тортишга, уларни жисмоний, моддий қарам қилишга интилади.

Шу ўринда айрим фактларни келтириб ўтсак: ҳозирги вақтда кучли таъсир қилувчи ва захарли моддалар исканжасига тушиб қолганларнинг аксариятини 15-35 ёш орасидаги йигит-қизлар ташкил этади. Кучли таъсир қилувчи моддаларнинг тарқалиши ҳақида гапирганда, унинг инсон организми учун зарарли оқибатларини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Мутахассисларнинг таъкидлашича ушбу моддалар, энг аввало инсон миясига жиддий таъсир кўрсатади. Иродани сусайтириб кишини ҳам руҳан ҳам жисмонан тобе қидиб боради. Бир лаҳзалик алдамчи лаззатланиш охир-оқибат организм фаолиятининг буткул ишдан чиқишига олиб келади. Онгнинг захарланиши оқибатида инсон ўзини бошқара олмайди. Яна бир салбий жиҳати инсон ирсиятига ниҳоятда жиддий таъсир кўрсатади., яън ушбу иллатга чалинган инсондан соғлом авлод дунёга келмайди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, Жиноят Кодексининг 251-моддасида кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш жинояти учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу турдаги жиноятларни тергов қилишда бир қанча дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш зарурияти мавжуд бўлиб бу тергов ҳаракатларини ўтказмаслик жиноятни исботлаш жараёнига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Жумладан, гумон қилинувчи ва гувоҳларни ўз вақтида сўроқ қиллиш, жиноят иши юзасидан ишга алоқадор бўлган нарса ва буюмларни олиб қўйиш ва олиб қўйилган воситаларга нисбатан экспертизалар тайинлаш, тайинланган экспертизалар ҳулосасига асосан, ушбу воситаларни жиноят иши доирасида ашёвий далил сифатида эътироф этиш, ушбу воситаларни ўз вақтида кўздан кечириш, жиноятни содир этган шахсларнинг турар жойллари ҳамда иш жойларида кечиктириб бўлмас тинтув тергов ҳаракатларини ўтказиш шу биан бирга гумон қилинувчиларнинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш каби дастдабки тергов ҳаракатлари ушбу жиноятлар юзасидан ўтказилиши шарт ва лозим бўлиб ҳисобланади.

Жиноят иши доирасида гувоҳларни сўроқ қилиш жараёнида терговчи энг аввало, гувоҳларга эркин сўзлаб беришлари учун имкониият яратиб бериши, ҳолат ҳақида тушунчага эга бўлгач, ушнинг ҳолатларини аниқлаштирувчи бир қанча саволларни жиноят процесси талабларига риоя қилган ҳолда бериши лозим бўлиб ҳисобланади. Гумон қилмнувчиларни сўроқ қилиш гувоҳларни сўроқ қилишга қараганда бир қанча фарқли томонлари билан ажралиб



турганлиги боис, гумон қилинувчининг кўрсатувлари орқали биз ушбу жиноят содир этилишида қасд асосан нимага қаратилганлигини аниқлаб олиш мумкин бўлганлиги билан ажралиб туради.

Кейинги тергов ҳаракатимиз жиноят содир этилганлиги аниқланган заҳоти, иш доирасида нарса ва буюмларни олиб қўйиш тергов ҳаракати бўлиб, ушбу воиситалар олиб қўйилгандан сўнг уларни кўздан кеччириб дарҳол экспертизалар тайинланиши лозим. Тайинланган экспертизалар берган хулосалар асосида эса биз келгусида ушбу воиситаларни жиноят ишига ашёвий далил сифатида қўшиб қўямиз.

Келгусида гумон қилинувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳамда экспертиза хулосаларига асосланган ҳолда тинтув тергов ҳаракатини гумон қилинувчиларнинг уйида ёки иш жойида кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддалар борлигига етарли асослар мавжуд бўлган тақдирдагина ўтказишимиз мумкин. Тинтув тергов ҳаракати ўтказиш жараёни Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ видеотасвирга олиниши ва тинтув жараёнида ҳар бир хонада синчковлик билан кўздан кечирилиши лозим бўлиб, топилган барча воиситалар зудлик билан олиб қўйилиши билан характерланади.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатини ўтказиш орқали терговчи содир этилган қилмишни яққол кўз олдида тасаввур қилиш имкониятига эга бўлади. Кўрсатувлари ҳодиса жойида текширилаётган шахсларга иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ёрдам берадиган саволлар фақатгина терговчи томонидан чекланмаган доирада берилиши мумкин. Бунда терговчи бошқа шахслар томонидан кўрсатувлари текширилаётган шахсга нисбатан ҳар қандай кўринишдаги ишораларни беришини олдини олиши лозим.

Ушбу тергов ҳаракатларини жиноят иши доирасида кўрадиган бўлсак, кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш жиноятини тергов қилишда исботлаш жараёнида ҳозирги кунда ўтказиладиган тергов ҳаракатларини пухталиқ билан ўтказиш лозим. Шу мақсадда, “Номланишидан фарқ қиладиган дори воиситаси таркибидаги кучли таъсир қилувчи моддани соф вазнини аниқлашда тайинланадиган экспертизаларда бир қанча камчиликлар мавжуд бўлаётганлиги сабабли, ушбу экспертизаларни такомиллаштириш” мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги 2019 йил 9 январ кунидаги 5618-сонли фармони;
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси;
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси;
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
5. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларини тергов қилиш амалиёти ўқув-методик қўлланма. Тошкент – 2012 Ш.Т.Икрамов